

С.Д. Исаков, илмий рахбар Б.Т. Тожибаев
Наманган мухандислик технология институти
Наманган, Ўзбекистон
tojibayev77@gmail.com

ИЖТИМОИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА МОБИЛЛИКНИНГ СОЦИАЛ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада аввало “социал мобиллик” тушунчасига берилган изоҳларга муносабат билдирилади. Мақолада асоссан “социал мобиллик” тушунчаси “харакатчанлик” тушунчаси билан ёритилади. Трансформация жараёнида инсонлар муайян социал институт ёки гурӯҳлар маркибида характланишини ўзи уни мақомини белгилавчи аҳамиятга эга. Социал мобиллик омиллари ҳаракатчанликни меъёрий тартибга солишни назарда тутади, натижада муайян ижтимоий барьерларни вужудга келишига замин яратади.

Калит сўзлар. Ижтимоий трансформация, социал мобиллик, ижтимоий мақом, ҳаракатчанлик, иқтисодиёт, ижтимоий юксалиш, ёшлар.

С.Д. Исаков, научный руководитель Б.Т. Тожибаев
Наманганский инженерно технологический институт
Наманган, Узбекистан
tojibayev77@gmail.com

СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ МОБИЛЬНОСТИ В ПРОЦЕССЕ СОЦИАЛЬНОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

Аннотация. В данной статье сначала рассматривается трактовка понятия «социальная мобильность». В статье в основном раскрывается понятие «социальная мобильность» с помощью понятия «мобильность». В процессе трансформации тот факт, что люди ведут себя как часть определенного социального института или группы, сам по себе важен для определения ее статуса. Факторы социальной мобильности предполагают нормативное регулирование мобильности, что, в свою очередь, создает основу для возникновения определенных социальных барьеров.

Ключевые слова. Социальная трансформация, социальная мобильность, социальный статус, мобильность, экономика, социальное продвижение, молодежь.

S.D. Isakov, supervisor B.T. Tojibaev
Namangan engineering tehnologocal institute
Namangan, Uzbekistan
tojibayev77@gmail.com

SOCIAL ASPECTS OF MOBILITY IN THE PROCESS OF SOCIAL TRANSFORMATION

Abstract. This article first deals with the interpretation of the concept of "social mobility". The article mainly describes the concept of "social mobility" with the concept of "mobility". In the process of transformation, the fact that people behave as part of a particular social institution or group is itself important in determining its status. Factors of social mobility imply normative regulation of mobility, which in turn creates the basis for the emergence of certain social barriers.

Keywords: *social transformation, social mobility, social status, mobility, economy, social development, youth.*

Жамият структурасида ижтимоий институтларнинг мавжудлиги инсонга маълум ижтимоий мавқега эга бўлишга имкон беради. Масалан, ижтимоий институтлар доирасида ҳукумат амалдорининг мақоми унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан белгиланган бўлади, бу ўзига хос муносабатларни талаб қиласди ва жамиятнинг бошқа аъзолари хатти-ҳаракатларидан фарқ қиласди. Бундан ташқари, турли хил ролларни баъзаридиган инсонларда ўзига мақбул бўлмаган вазиятлар юзага келиши мумкин, бошқача қилиб айтганда, мақомига кўра муайян инсонлар бажарган ижтимоий роллар бошқа инсонларга мос келмаслиги мумкин.

Социал мобиллик жамиятнинг ажралмас атрибутидир, дейишимиз мумкин. "Социал мобиллик" атамасини турли хил мутафаккирлар ҳар хил таърифлаб беришган. "социал мобиллик" концепциясининг биринчи батафсил тушуниришларни П. А. Сорокин олиб борди. У 1927 йилда нашр этган "Социал мобиллик" ("Ижтимоий мобиллик") китобида олим биринчи навбатда социал мобиллик соҳасида тадқиқотлар ўтказди. У социал мобилликни "шахс ёки ижтимоий обьектни ҳар қандай силжиши, яъни инсон фаолияти томонидан ҳарактлантирилган ёки ўзгартирилган барча нарсаларнинг бир ижтимоий позициядан иккинчисига ўтиши" деб таърифлади.

Шунингдек у ҳаракатчанликни нафақат муайян фаолиятдан фаолиятга ўтиш, балки бир табақадан бошқасига ўтиш, балки ҳар бир муайянликка, шунингдек моддий-маънавий қадриятлар ҳаракати сифатида тушуниш керак, деб ҳисоблаган. У ҳаракатчанликда нафақат жамиятдаги таркибий ўзгаришларни, балки маданий ўзгаришларни ҳам, жамиятнинг бир маданий парадигмадан иккинчисига, муайян тафаккур тарзидан бошқасига ўтишини кўрди. Жамият ривожланган сари ундаги таркибий ўзгаришларни талаб қиласдиган изоҳлайдиган ғоялар ҳам такомиллаша боради.

Социал мобилликни ўрганар эканмиз, одамлар ҳаракатини ижтимоий тизим ичida маълум даражага эга бўлган позициядан таҳлил қиласмиз. Тадқиқотчи Б.Барбер-

нинг тадқиқотларига кўра, социал мобиллик юқори ёки қуий ижтимоий синфлар ўртасида юқорига ёки пастга ҳаракатланишни англатади. Дастлаб П. Сорокин томонидан олиб борилган изланишлар тўхтаб қолгани йўқ, у бошқа тадқиқотчилар томонидан давом эттирилди. Социал мобиллик борасида изланишлар олиб борган классик социологларда Т.Парсонс структурал-функционализм назарияси доирасида социал мобилликни статус-рол тизими деб ҳисоблаган.

Ижтимоий институтларнинг мавжудлиги одамга маълум ижтимоий мавқега эга бўлишга имкон беради. Масалан, ҳукумат амалдорининг мақоми унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан белгилаб беради, бу ўзига хос ва жамиятнинг бошқа аъзолари хатти-ҳаракатларидан фарқ қиласди. Бундан ташқари, турли хил ролларни бажарадиган одам ўзига зид бўлиши мумкин бўлган вазиятлар юзага келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, одам ўйнаган битта рол бошқасига мос келмаслиги мумкин, бу рол зиддиятининг пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий социологияда ҳаракатчанлик мавзуси алоҳида ўрин тутади. Социал мобиллик академик социологияни "ядроси" бўлган дилеммаларни ўз ичига олади. Ижтимоий ҳаракатчанлик ижтимоий ўзгаришлар, унинг сабаблари ва оқибатлари тўғрисида мулоҳазалар маркази туради. Ижтимоий трансформациялар, уларнинг табиати қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар доим ижтимоий ҳаракатчанлик фаолашиши натижасида жамиятда янгича тизимни вужудга келишига замин яратган. Агарки иқтисодиёт ва жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ҳаёт даражасининг пасайишига ва фуқароларнинг ҳаёт имкониятларининг торайишига олиб келадиган бўлса, уларни жамоатчилик онгига баҳолаш режими салбий бўлади, деб қабул қилинган. Агар, аксинча, социал мобиллик ҳаётнинг юқори даражасига олиб келадиган бўлса, унда, шунга кўра, ўзгаришлар натижасига асосан ижобий нуқтаи-назардан қараш керак. Бироқ, ҳақиқий ижтимоий ўзгариш ва ҳаракатчанлик ўртасидаги муносабатни шунчаки чизиқли моделга ўтказиш қийин.

Ўзгаришлар қисқа муддатда салбий ўзгаришлар узоқ муддатли ижобий оқибатларга олиб келадиган эпизодлар тарихда жуда кўп. Ижтимоий статикадан (турғунлик) динамик жараёнларга ўтиш жараёни борасида А. Пржеворски шундай деб ҳисоблайди, эски тузилмаларни бузмасдан, одатдаги ижтимоий амалиётлардан ва анъаналардан воз кечмасдан жиддий ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш имконсизdir. Бундай даврда ижтимоий ҳаракатчанлик аҳолининг аксарият қисмида пасаювчан хусусиятига эга бўлади. Бироқ, бир мунча вақт ўтгач, жамият янги институтларни, анъаналарни шакллантиради, иқтисодиётнинг янги ҳолатига мос кела-

диган янги амалиётлар вужудга келади ва эҳтимолий салбий тенденцияни ижобийсига билан алмаштирилади.

Мобиллик нафақат ижтимоий юксалиш билан боғлиқ у ижтимоий ҳаётни замонавийлаштирадиган урбанизация, замонавий агробизнес билан боғлиқ хўжалик тизимлари, шунингдек, сиёсий келишувларга, сиёсий имкониятларга сезиларли таъсир кўрсатадиган омилдир. Смелзер ва Липсетнинг фикрига кўра, ривожланаётган мамлакатлар баъзида мавжуд вазиятда имкониятларни ҳисобга олмасдан ҳаддан ташқари кенг кўламли ислоҳотлар кўлами натижасида иқтисодий ечим амалга ошмай қолади ва социал харакатчанлик-мобиллик бесамар уриниш сифатида инсонларни хафсаласини пир қиласи. Шунингдек бу каби вазиятлар сиёсий кучларнинг номутаносиблигини келтириб чиқариши, замонавийлашувни амалга ошираётган режимнинг мавқеига путур этказган тартибсизликлар келтириб чиқариши мумкин. 1950-йилларда

Миср ҳукумати ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янги курсини эълон қилди ва ушбу ислоҳотларни бир қсми сифатида олий маълумотли бўлиш учун кўпчиликка хусусан ижтимоий мавқеини яхшилашга интилган ёшлар имкониятлар эшигини очади. Аммо маълум бўлдики, миллий иқтисодиётнинг ҳажми ва профили маҳаллий университетларнинг барча битирувчиларини ўз малакаларига мос иш билан таъминлай олмади. Жамиятда ўрнатилган анъанага кўра, диплом юқори маошли ишларга йўл очади, деб ишонганларнинг аксарияти керакли лавозимни эгалламаган ва ололмаган.

Олий маълумотли ёшларнинг нисбати ва иқтисодиётнинг имкониятлари ўртасида номутаносиблик юзага келди, улар ўзларининг ихтисосликлари бўйича иш берувчиларнинг оз сонли қисмини иш билан таъминлаши мумкин эди. Мувозанат ёшларнинг оммавий тартибсизликларига олиб келди ва бу ислоҳотчи ҳукуматнинг ишларини қийинлаштириди. Худди шу даврда худди Африканинг айrim ривожланаётган мамлакатларида муайян транцформациялар шаклланган боълиб, у ерда таълим тизимининг кенгайиши "кутилган натижалар инқилоби"га боғлиқ бўлган: анъанавий равишда олий ўқув юртлари битирувчиси бошқарув тизимида "етарли маош билан таъминланган" лавозимига эга эди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, юқорига ҳарачатчанлик фақат динамик равишда иқтисодий ўсиш шароитида рўй бериши мумкин, қайсики ақдемик мутахасисилар учун етарли иш ўринлари таъминланадиган шароитга эга жамиятларда бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Етарли иш ўринлари билан таъминланмаган мутахассисларга эга жамиятларда мобиллик кутилган натижани бермайди, балки сиёсий кучларнинг мувозанатига таъсир кўрсатадиган ижтимоий кескинликка

олиб келади. 1970-йилларнинг бошларида ҳаракатчанликни ўрганиш кузатилган ҳаракатларнинг умумий оқимларида барқарор қонуниятларни аниқлашга имкон берадиган босқичга етди. Ривожланаётган илмий назарияларни реал ҳаётдаги ўрнини таҳрирлашнинг янги методлари туфайли умумий ҳаракатчанлик оқимларида таркибий ҳаракатчанликни ажратиб коърсатиш мумкин эди. Структуравий мобиллик одатда иқтисодиётдаги оъзгаришлар натижасида келиб чиқадиган ижтимоий кўзғалувчанлик хосила-сидир. Агарки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётда жадал ривожланаётган боълса, унда бу соҳада катта иқтисодий сакраш натижасида хосил бўладиган социал ҳаракатчанликни кутиш керак. Аксинча инқирозга учраган иқтисодиёт тармоқларига боғлиқ инсонлар гурухларида социал ҳаракатчанлик пассив кечади. Социал мобиллари ҳаракатчанликни меъёрий тартибга солишни назарда тутади, натижада муайян ижтимоий барьерларни вужудга келишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Барбер Б. Структура социальной стратификации и тенденции социальной мобильности // Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. М., 1972. С. 246.
2. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество / Общ. ред., сост. и предисл. А.Ю. Согомонов: Пер. с англ. М.: Политиздат, 1992. С. 543.
3. Социальная мобильность в России: поколенческий аспект: [монография] / [А. В. Ваньке и др.]; отв. ред. В.В. Семенова, М.Ф. Черныш, А.В. Ваньке. Институт социологии РАН. Москва : Институт социологии РАН, 2017. с. 384.
4. Smelser N., Lipset S. Social Structure, Mobility and Development // Social Structure and Mobility in Economic Development. Chicago: Aldine Publishing Company, 1966. p.5 2.
5. Sorokin P. Social and Cultural Mobility. N.Y: The Free Press, 1959. p. 645.
6. Przeworski A. Some Problems in the Study of Transition to Democracy // Transitions From Authoritarian Rule / Ed. by G. O'Donnell, P. Schmitter and L. Whitehead. The John Hopkins University Press, 1991. P. 47–64.